

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА МАЪРИФИЙ ИЗЛАНИШЛАР

Юнусова Насиба Шарифовна

Тошкент давлат транспорт университети доценти

Тел.: +998903467383

Иногамов Мухаммадризо Мухаммад ўгли

Кучкоров Миркодир Хасан ўгли

АІ-3-24 гурухи

Резюме: Миллий маънавий маданият тизимида халқ таълим-тарбияси ва маърифий изланишлари алоҳида ўрин тутди. Мақолада халқ маърифати, маърифий изланишлари инсонни фикрлашга, ён-атрофни, оламни билишга, идрок этишга бўлган интилишининг натижаси эканлиги кенг ёритилади.

Таян сўзлар: таълим-тарбия, маърифий изланишлар, халқ маърифати, халқ педагогикаси, замонавий педагогика, қадриятлар.

Аннотация: В системе национальной духовной культуры особое место занимают народное образование и педагогические исследования. В статье широко поясняется, что просвещение и образовательные исследования людей являются результатом стремления человека мыслить, познавать и понимать свое окружение и мир.

Ключевые слова: образование, педагогические исследования, народное просвещение, народная педагогика, современная педагогика, ценности.

Summary: In the system of national spiritual culture, public education and pedagogical research occupy a special place. The article broadly explains that enlightenment and educational research of people are the result of man's desire to think, know and understand his environment and the world.

Key word: education, pedagogical research, public education, folk pedagogy, modern pedagogy, values.

Миллий маданият тизимида халқ таълим-тарбияси ва маърифий изланишлари алоҳида ўрин тутди. Ушбу қадриятлар миллий маданиятни умуминсоний маданият даражасига кўтаради, уни замонавий педагогик технология ва усуллар билан бойитади. “Таълим - маънавий қадриятларни қайта ишлаб чиқаришнинг институционал каналидир, шунинг учун таълим тизимининг ошқора ва латент мақсадли кўрсатмалари маънавий қадриятларнинг жамиятда тарқалганлиги

даражасини аниқлаб беради ва бунинг орқали жамиятнинг қадриятларга нисбатан бирлашганлиги ва маданий жиҳатдан гомогенлигига таъсир қилади”¹.

Халқ педагогикаси асосан халқ оғзаки ижоди тарзида, ҳар бир авлоднинг қарашларини, ғазилатларини ўзида акс эттириб келади. У «аждод-авлодларнинг ахлоқий, маърифий шаклланиши ва камолотида, жисмоний баркамоллигида ҳал қилувчи роль ўйнади. Оддий инсонларми ёхуд буюк алломалар, шунчаки фуқароми ва ё юрт султонлари, кичик суворийми ёки улуғ саркардами, бари-бир халқ томонидан яратилган, амалда бўлган, унга суянган, таянган ҳолда яшаса, фаолият кўрсатса кам бўлмаган, эл-юрт назарига тушган, олқишига сазовор бўлган»².

Халқ педагогикасида яратилган усул, восита ва технологиялар замонавий педагогикага асос бўлиб хизмат қилмоқда. Шарқ халқлари асрлар давомида тўплаган тажрибалар халқ педагогикасида мужассамлашган. Шунинг учун фақатгина у ўғитлар, панд-насихатлар тўплами эмас, унда халқнинг тарихий-маданий тажрибаси мужассамлашган.

«Одоб - олтиндан қиммат», «Ахлоқ - инсон қалби», «Яхши киши ҳам адашади, лекин у айбни бошқадан қидирмайди», «Қуш уясида кўрганини қилади», «Иноқ оиладан барака кетмас», «Аллеси бор уйга ўлим йўламас» каби мақол ва маталларда болани маънавий пок қилиб тарбиялаш масалала-ри назарда тутилади. Умуман, халқ педагогикасида ахлоқ, одоб, эзгуликни улуғлаш ва ёвузликни қоралаш, яхши амалли, билимли кишиларга эргашиш-га даъват асосий ўринда туради. Ўлкамиз халқлари бадиий ижоди, фалсафаси ҳам ана шу анъана асосида қурилган.

Халқ педагогикаси бир авлоддан иккинчи авлодга ўтиб, бойиб, гоҳо давр таъсирида трансформацияга учраб келган, бу жараён узлуксиз давом этган. Миллий маънавий маданиятнинг «юраги» - халқ педагогикаси, «боши» эса маърифий изланишлардир. Бу икки йўналиш бир-бирига боғлиқ ва бир-бирини тўлдириб келади. Маърифатсиз педагогика, таълим-тарбиясиз маърифат йўқ. Чунки “таълим тизимида таълимнинг ижтимоий (прагматик) ва социетал (қадриятларга оид) вазифалари мутаносиблиги латент (яширин) шаклда ифодаланган”³.

Халқ маърифати, маърифий изланишлари инсонни фикрлашга, ён-атрофни, оламни билишга, идрок этишга бўлган интилишининг натижасидир. Бирок халқнинг маърифий изланишлари ўзига хос воқелиқдир, шу боис у индивиднинг маърифий изланишларидан, маърифатидан фарқ қилади. Масалан, индивид мавжуд илмий-маърифий тажрибаларни ўзининг илмий-назарий концепциясидан келиб чиқиб рад қилиши мумкин. Инглиз файласуфи Карл Поппернинг танқидий рационалиزمи, немис файласуфи Ф.Нитшенинг нигилиزمи шундай ёндашишга таянади. Аммо, халқ бундай йўлдан бормайди, унга мавжуд анъаналарни,

маърифий изланишларни тадрижий давом эттириш хос. Ўлкамиз халқларининг миллий маънавий маданиятида бу ҳол яққол кўзга ташланади. “Юксак маънавият – енгилмас куч” деган ҳаёт ҳақиқатидан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда амалга ошираётган маданий ва маърифий соҳаларда олиб бораётган ишларимизнинг таъсири ва самарасини кучайтириш бизнинг ҳаракат дастуримизда алоҳида муҳим ўрин эгаллайди”⁴.

Халқнинг маърифий изланишларини мифлар, афсона ва ривоятлар, астрология, кундалик кузатишлар натижасида Куёш ва Ер ҳаракати, об-ҳавонинг ўзгариши ва инсон кайфияти, организмга таъсири, сиҳат-саломатлик, оила юргизиш, болани парваришlash ва тарбияlash ҳақидаги қарашлари, тушунчаларида кўриш мумкин.

Мифлар, афсона, ривоят, асотири ва астрология ибтидоий кишининг оламни идрок этиш усулидир. Миф ибтидоий маданиятнинг негизи, оламни идрок этишнинг асосий воситаси бўлиб, кишилар ҳаёти, қарашларининг, бадий тафаккурнинг ифодаси ҳисобланади. Мифнинг асосини қадимги одамнинг коинот, табиат, инсон, само жисмлари, нарса ва ҳодисаларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги асотирилари ташкил этади. Илм-фаннинг ривожла-ниши уларни ғайриҳаётий ҳодисалар сифатида рад этди. Аммо, уларнинг ён-атрофни, оламни билишга бўлган қизиқиш натижасида юзага келганини инкор қилиш мумкин эмас. Биз учун муҳим нарса шундаки, ибтидоий даврда юзага келган илк изланишлар кейинги даврларда ҳам яшаб, кишиларни маърифатга ундаб келди. Айниқса, кундалик амалий тажрибалар, табиатни кузатиш, унинг инсон ҳаётига таъсирини излаш илмий тадқиқотларга йўл очиб берди.

Ҳар бир халқнинг ўз урф-одатлари, ирим-сиримлари, башорат усуллари, астрологик тасаввурлари мавжуд. Улар кўпинча воқеаларнинг такрорланиши қонунларига таянади ва кўп ҳолларда башоратлар тасдиқланади. Тўғри, уларда мистик тасаввурлар, ғайриилмий ёндашишлар, хулосалар ҳам учраб туради. Бироқ, мавзуимиз учун уларда халқ маънавий маданиятининг ўзига хос қирралари акс этиб келганини, узоқ тарихий-маданий ривожланиш жараёнида илмий-тафаккур изланишларга туртки бўлганини инкор қилиш мумкин эмас. Умуман, маънавий маданият тизимида тил, урф-одатлар, халқ санъати, дин, анъаналар, турмушнинг ўзига хослиги, хулқ-атвор меъёрлари, инсоннинг ташқи ва ички олами, яъни ташқи оламидаги унинг бўй-басти, кўриниши, кийиниши, хатти-ҳаракати ва бошқалар киради. Инсоннинг ички олами эса унинг яшашдан мақсади, фикр юритиши, орзу-истаклари, интилишлари, ҳис-туйғуларини ўз ичига олади. Инсоннинг ана шу ички олами маънавиятдир. Озиқ-овқат одамга жисмоний қувват берса, маънавият унга руҳий озиқ ва қудрат бағишлайди. Маънавият маърифат ва маданият билан боғлиқ. Маънавий маданият тизимида дин инсонга яшашдан мақсад, ҳаёт мазмуни, бу дунё ва у дунё масалаларига ўз муносабатини билдириб туради. У умуминсоний ахлоқ

меъёрларини ўзига сингдириб, хулқ-атвор қоидасига айлантиради. Маданият ривожига катта таъсир кўрсатиб, умуминсоний ва миллий қадриятларни сақлаб қолиш ва авлоддан-авлодга етказиш ишига ёрдам беради. Демак, баркамол авлодни тарбиялашда, яъни ёшларда мардлик, ташаббускорлик, ахлоқий теранлик, зийраклик, ўтмишга ҳурмат сифатларини ривожлантиришда ўзбек халқ ўйинлари, курашларининг аҳамияти каттадир. Шундай қилиб, қўйидаги хулосаларга келинди: ўтказган изланишларимиз кўрсатадики, маънавий маданиятда ана шу миллий хусусиятларни ифода этувчи турғун ўзак мавжуд бўлиб, миллий тил, ахлоқ, менталитет, урф-одат ва диний эътиқодлар қиради; бироқ, маънавий маданиятда давр талабларига мослашиб, ундаги ижобий янгиликларни қабул қилиб борадиган устки қатлам ҳам мавжуд бўлиб, айнан ушбу қатлам сабабли маънавий маданиятда давр талабларига мувофиқ ривожланиш, изланиш содир бўлади. Ушбу қатламга халқ оғзаки ижоди, халқ амалий санъати, байрамлари ва маросимлари, халқ турмуш тарзи, муомала маданияти, эстетик маданият, халқ таълим-тарбияси (педагогикаси), илмий-маърифий изланишлари қиради.

REFERENCES:

1. Руденко В.А. Образование и духовность в современном российском обществе: факторы и вектор диспозиции в процессе системных реформ. Автореф. д. соц.н. Ростов-на./Д, 2007. С. 4.
2. Ўзбек педагогикаси антологияси. - Тошкент: Ўқитувчи, 1995. - Б. 14 .
3. Чеботарев Ю.А. Трансформация культурного своеобразия российского образования в условиях социальной трансизии: автореф. Дис. ... д-ра социол. наук / Ю.А. Чеботарев. – Ростов н./Д, 2005. – С. 4.
4. <http://www.uza.uz/ru/documents/o-strategii-deystviy-po-dalneyshemu-razvitiyu-respubliki-uzb-08-02-2017>
5. Ортега-и-Гассет Х. Восстание масс: СПб.: Пер. с исп. / Х.Ортега-и-Гассет.- Москва: ООО «Издательство АСТ», 2001. С.15.(Ortega-i-Gasset X. Demonstration of mass: SPb.: Translate from Spanish X. Ortega-i-Gasset. Moskov: OAS “Publisher AST”, 2001, p.15).
6. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият. 2008.- Б.237.(I.A. Karimov. High moral culture is unconquest power. – Tashkent: 2008.- P. 237)
7. Sharifovna, Y. N. (2021). Mass Culture and Informational-Psychological Security in The Modern Process. Pindus Journal of Culture, Literature, and ELT, 9, 68-72.
8. KHODJAEVA, N. S., & YUNUSOVA, N. S. (2021). SPIRITUAL AND MORAL EDUCATION OF YOUTH IN MAKHALLA. THEORETICAL &

9. Насиба Шарифовна Юнусова, & Муслимахон Яхяева (2022). МОЛОДЕЖЬ И ИНФОРМАЦИОННАЯ СРЕДА. Academic research in educational sciences, 3 (10), 372-376.

10. Н. Ш. Юнусова (2022). ЁШ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 339-341.

11. Юнусова Насиба Шарифовна, Назарова Нилуфар Жўраевна, & Жуманиязова Насиба Сапарбоевна (2022). ПЕДАГОГЛАРДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ МИСОЛИДА). Современное образование (Узбекистан), (6 (115)), 9-16. doi: 10.34920/SO/VOL_2022_ISSUE_6_2

12. Н. Ш. Юнусова, Жавлон Алимухаммедов, & Мухаммад Суяров (2022). ТРАНСПОРТ СОҲАСИДА МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ДИН ВА АХЛОҚ МАСАЛАЛАРИ. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 222-226.

13. Sharifovna, Y. N. (2021). Theoretical Fundamentals of Spiritual Culture Research. American Journal of Social and Humanitarian Research, 2(9), 111-115.

14. Юнусова Насиба Шарифовна, Назарова Нилуфар Жўраевна, & Жуманиязова Насиба Сапарбоевна (2022). ПЕДАГОГЛАРДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ МИСОЛИДА). Современное образование (Узбекистан), (6 (115)), 9-16. doi: 10.34920/SO/VOL_2022_ISSUE_6_2

15. Yunusova Nasiba Sharifovna. (2021). Mass Culture and Informational-Psychological Security in The Modern Process. Pindus Journal of Culture, Literature, and ELT, 9, 68–72. Retrieved from <https://literature.academicjournal.io/index.php/literature/article/view/86>

16. NS Yunusova . [THE SPIRITUAL EDUCATION IN UZBEK FAMILY..-](#) Theoretical & Applied Science, 2016. 68-71

17. Н Юнусова - . [ҲОЗИРГИ ЗАМОН ВА ОММАВИЙ МАДАНИЯТ](#) World scientific research journal, 2023